Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

# ХАЛҚ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

2002 йил 12 февраль сешанба

Сотувда эркин нархда № 31 (2859)

## ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 11 февраль куни Оқсаройда Германия федерал мудофаа вазири Рудолф Шарпингни қабул қилди.

— Биз Германияни Ўзбекистоннинг ишончли шериги, деб биламиз. Икки томонлама ҳамкорлигимиз мустаҳкам ва узоқ муддатга мўлжалланган ҳуқуқий пойдевор устига қурилган, — деди Ислом Каримов учрашувда.

Германия Ўзбекистонда амалга оширилаётган йирик лойиҳаларни замонавий технологиялар билан таъминлаб, иқтисодиётимизга сармоя киритишда фаол қатнашмоқда ва шу орқали мамлакатимиз тараққиётига ҳисса қўшмоқда.

11 сентябрь воқеаларидан кейин икки томонлама муносабатларда ҳарбий-техникавий ҳамкорлик алоҳида ўрин тутяпти. Бу борадаги алоқалар сифат жиҳатдан янги босқичга кўтарилди. Афғонистондаги аксилтеррор операциясининг биринчи босқичи муваффақият билан якунланди. Ҳеч бир муболағасиз айтиш мумкинки, бунда аксилтеррор коалициясининг аъзоси бўлмиш Германиянинг аҳамияти ҳам катта бўлди.

Германия федерал мудофаа вазири Рудолф Шарпинг Ўзбекистоннинг жафокаш афғон халқига инсонпарварлик ёрдами кўрсатиш борасидаги саъй-ҳаракатларини юқори баҳолади.

Учрашувда икки томонлама ҳамкорликни ривожлантириш, минтақавий хавфсизлик масалалари муҳокама қилинди.

**(ЎзА).**

**СУРАТЛАРДА: қабул пайти.**

**Абдувоҳид ТЎРАЕВ олган суратлар.**

## АГРАР СОҲА РАҲБАРЛАРИ ЎҚУВИ ДАВОМ ЭТМОҚДА

***Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раисининг, вилоятлар ҳокимларининг қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосарлари, қишлоқ туманлари ҳокимлари ҳамда агросаноат соҳасига тааллуқли вазирлик ва идоралар раҳбарлари дастлабки гуруҳи учун ташкил этилган семинар-мунозаранинг илк босқичи якунланди.***

Ўқув дастурига мувофиқ тингловчилар мамлакатимизда Президентимиз Ислом Каримов раҳбарлигида ишлаб чиқилган қишлоқ хўжалигини тубдан ўзгартириш, чуқур иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш, ишни янгича ташкил этиш бўйича дастурлар жойларда ҳаётга қандай татбиқ этилаётгани ҳамда бу борадаги ютуқ ва муаммоларни атрофлича таҳлил этди, орттирилган билим ва тажрибаларни умумлаштирди.

Дастур доирасидаги маърузаларда, асосан, давлат қурилиши ва бошқаруви жараёнларини шўрланиши Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Бухоро, Сирдарё вилоятларида, Қашқадарё, Сурхондарё, Навоий, Самарқанд, Фарғона вилоятларининг бир қисмида айниқса кучайган. Бу ҳолнинг олдини олиш, ер ресурсларидан оқилона фойдаланиш, тупроқ унумдорлигини сақлаш, қайта тиклаш ва ошириш давримизнинг энг долзарб муаммоларидан биридир.

Ана шуларни ҳисобга олиб, Ўзбекистон Ер ресурслари давлат қўмитаси томонидан мамлакатимиздаги суғориладиган ерларнинг ҳолати ва улардан самарали фойдаланиш бўйича таклиф ва тавсиялар тайёрланди. Унда 2001 йилда ерлардан мақсадли фойдаланишни назорат қилиш якунлари ҳақида ҳам маълумотлар келтирилган. Ерга ишлов бериш, янги агротехнологияларни жорий этиш туфайли суғориладиган ерларнинг унумдорлигини сақлаш ва ошириш имкониятлари кўрсатилиб, уларни турли тупроқ-иқлим шароитида амалга ошириш учун аниқ тавсиялар берилган.

Мазкур таклиф ва тавсиялар Республика Фанлар академияси, Фан ва техника давлат қўмитаси ҳамда Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг илмий маркази томонидан ижобий баҳоланди.

Тошкентда мазкур қўлланманинг тақдимот маросими бўлиб ўтди.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раисининг, вилоятлар ҳокимларининг қишлоқ хўжалиги масалалари бўйича ўринбосарлари, қишлоқ туманлари ҳокимлари, агросаноат соҳасига тааллуқли вазирлик ва идоралар раҳбарларининг семинар-мунозараси доирасида бўлиб ўтган мазкур тақдимот маросимида сўзга чиққанлар бугунги кунда бу қўлланма қишлоқ хўжалигидаги энг долзарб вазифалардан бири — суғориладиган ерлар унумдорлигини ошириш муаммоларини ечишда ғоят қўл келишини таъкидлади.

Тақдимот маросимида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчилари И.Жўрабеков, Т.Алимов, Бош вазир ўринбосари Т.Холтоев иштирок этди.

**(ЎзА).**

## СУҒОРИЛАДИГАН ЕРЛАРИМИЗ — ФАРОВОНЛИГИМИЗ МАНБАИ

***Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари давлат қўмитаси томонидан мамлакатимиздаги суғориладиган ерларнинг ҳолати ва улардан самарали фойдаланиш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.***

Мамлакатимиз мустақилликка эришганидан кейин Президентимиз Ислом Каримов раҳбарлигида сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва бошқа йўналишларда кенг қамровли ислоҳотларни амалга оширишга киришилди. Хусусан, ер ресурсларидан самарали фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Чунки, ер халқ хўжалигининг барча тармоқлари тизимида ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришда асосий восита ва манба ҳисобланади. Шу боис суғориладиган ерлар самарадорлигини ошириш аҳоли турмуш даражасини юксалтиришда муҳим аҳамият касб этади.

Ўтган йиллар давомида ер тўғрисида қабул қилинган қонун ҳужжатларида ҳозирги ва келажак авлодларнинг манфаатларини кўзлаб, ердан илмий асосланган ҳолда фойдаланиш ва уни муҳофаза этиш, тупроқ унумдорлигини тиклаш ва ошириш, табиий муҳитни асраб-авайлаш ва яхшилаш, хўжалик юритишнинг барча шаклларини тенг ҳуқуқлилик асосида ривожлантириш учун зарур шарт-шароитлар яратиш, юридик ва жисмоний шахсларнинг ер участкаларига бўлган ҳуқуқларини ҳимоя қилишни таъминлаш, ер муносабатларини тартибга солиш, шунингдек, бу соҳадаги қонунийликни мустаҳкамлаш вазифалари белгилаб берилди. Бу талабларни ҳаётга татбиқ этиш юзасидан Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишлари қабул қилинди.

Бугунги кунда мамлакатимиз Ер фондининг республика қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида фойдаланиладиган қисми 25 миллион гектардан кўпроқдир. Шундан қишлоқ хўжалигида интенсив фойдаланиладиган ерлар, яъни суғориладиган майдонлар 4,28 миллион гектарга тенгдир.

Тупроқнинг табиий унумдорлиги, суғориладиган ерларнинг ҳосилдорлик имкониятлари ва қишлоқ хўжалигида фойдаланиш учун яроқлилиги ҳисобга олиниб, суғориладиган ерларимиз сифати жиҳатидан ўн табақага бўлинган. Улар, ўз навбатида, бешта қишлоқ хўжалик кадастр гуруҳига бирлаштирилган.

Туз тўпланиши ва ерларнинг

(Давоми 2-бетда).

## Виждонимиз ҳисоб сўрайди

**Бугуннинг гапи**

***Шу кунларда мамлакатимизнинг ҳамма жойларида 2001 йилда қилинган ишлар тарози палласига қўйилиб, ҳар томонлама сарҳисоб қилиняпти. Инсоннинг табиати шунақа: бирор маррага етиб боргандан кейин босиб ўтган йўлига бир қараб олади. Ўшанда қўйган қадамининг салмоғига, ўзидаги куч-қудрат салоҳиятига баҳо бериб, эртанги ишларга руҳан чоғланиб олади.***

Албатта, ҳисоб беришнинг масъулияти ниҳоятда катта. Очиғи, ҳар бир ҳисобот чин маънода синовдан ўтиш, демакдир. Ҳамма ўз фаолиятини бирма-бир тарозига қўйиш орқали ҳамкасблар олдида, жамоатчилик олдида имтиҳондан ўтгандай бўлади. Ходим корхона маъмурияти олдида ҳисоб берса, раҳбар жамоа олдида, юқори турувчи идора олдида нималарга эришганини, нималарга эришолмаганини холисона якунлар орқали баён этади. Тўғри, ҳисоб берувчи зиммасида эл-юрт томонидан билдирилган ишончнинг қандай оқланаётганини асослаш масъулияти ҳам ётади. Лекин, чуқурроқ мушоҳада юритадиган бўлсак, ҳар биримизда, энг аввало, виждонимиз олдида ҳисоб беришдан кўра юксакроқ жавобгарлик бўлмаса керак.

Чунки виждон ҳакамлик қилганда расмий қолиплар доирасидан ташқари саволлар қўйиладики, ким шу сўроқларга қониқарли жавоб берсагина синовдан эсон-омон ўтади. Виждоннинг саволлари ҳисоб берувчининг қалб қатидан чиқади. Хўш, мен билдирилган ишончни оқлаш учун муносиб бўла олдимми? Хизмат жойимда ўтказган фурсатим беҳуда совурилмадими? Эгаллаган лавозимим берган ваколатларни шахсий ҳузур-ҳаловат учун эмас, жамиятда эркин ва фаровон ҳаёт қуриш йўлига, муқаддас ислоҳотлар йўлига сарфлай олдимми? Халқона иборада айтганда, нонимни ҳалоллаб еяяпманми, болачақамни пешона тери эвазига топилган неъмат билан боқяпманми?

Бу саволлар ҳеч қайси идоранинг ҳисобот қоғозида қайд этилмаган. Бу сўроқ ёзилмаган қоиданинг табиатидан келиб чиқиб, ич-ичимиздан ўзимизга қаратилгандир. Эҳтимол, минбарда туриб саволларга бир амаллаб жавоб бериш мумкиндир, лекин виждон қўйган сўроқларни четлаб ўтиб бўлмайди. Қани энди ана шундай ҳисоботни, савол-жавобни рентген мисоли кўрсатиб турадиган мукаммал аппарат бўлсаю, ундан ҳар биримиз муваффақиятли ўтиш учун интилсак...

Эртаю кеч рақамларга қараб фикрлайдиган баъзи мутасаддиларимизга бу гаплар эриш туюлиши ҳам мумкин. Хўжалик йили якунларини баҳолаш, истиқболдаги интилишларимиз уфқини белгилаш ҳақида сўз юритар эканмиз, бу борадаги муҳим ва ҳаётий шартларни ёдга олиш фойдадан холи эмас, деб ўйлаймиз. Нега деганда, ҳануз якуний ҳисоботларни номига ўтказаётган, лўнда ифодалаганда, юмалоқ-ёстиқ қилиб осон қутулиш пайидан бўлаётганлар орамизда учраб турибди.

Аввало, ҳисоботдан мақсад бир амаллаб якунни тарихга айлантириш эмас, балки фойдали сабоқ чиқариш эканлигини унутмаслигимиз зарур. Йил мобайнида нимаики ижобий натижага эришилган бўлса, бу ютуқ минбарда мақтаниш учун эмас, аввало, тажриба юкини бойитишга, янада дадил қадам ташлаш йўлида қуролланишга асос бўлмоғи керак. «Биз қандай ҳолатларда хатога йўл қўйдик, буни такрорламаслик учун нима қилиш керак?» — Бу савол ҳисоботнинг марказида туриши зарур. Афсуски, баъзи меҳнат жамоаларида, ҳатто ишлаб чиқариш тармоқларида масаланинг шу жиҳати эътибордан четда қолаяпти. Оқибатда аввалги хатолар такрорланяпти, устига устак, қўшимча қусурларга йўл қўйиляпти. Наҳотки, кечаги йўлимиз бугунги, эртанги ҳаётимиз учун хулосалар беришини англаш шунчалик қийин бўлса?!

Ўзбекистон ўз мустақиллигининг иккинчи ўн йиллигига қадам қўйди. Энди босиб ўтган йўлимизни тарихан қисқа, дейиш ҳам унчалик тўғри эмас. Ўн йиллик муддатни инсон ҳаётида ҳам, жамият тарихида ҳам бутун бир давр дейиш мумкин. Бинобарин, бу ўн йиллик моҳиятан миллат ҳаётида янги мазмун касб этиб, асрларга менгзалаётган экан, эндиликда ҳамма соҳадаги ишларимиз ҳам шундай ўлчамларга муносиб бўлмоғи лозим.

Якун босилган йўлга интиҳо ясамайди, балки янги марраларимизга ибтидо бўлади. Демак, бундан буён эришажак ютуқларимиз кечаги кунимизни қай тарзда таҳлил эта олишимизга боғлиқ.

**Шуҳрат ЖАББОРОВ,**
**иқтисодий шарҳловчи.**

## Ҳазрат Навоийга эҳтиром

***Истиқлол йилларида неча минг йиллик тарихга эга миллий анъаналаримиз, бебаҳо қадриятларимиз қайта тикланди. Буюк бобокалонимиз Алишер Навоий ҳазратларининг таваллуд кунлари юртимизда кенг нишонланиши, ул зотнинг руҳи покларига ҳурмат-эҳтиром кўрсатилиши ҳам айни шундай анъаналар сирасига киради.***

Мана ўн бир йилдирки, қай фасл бўлмасин, улуғ шоир шарафига барпо этилган Миллий боғ мажмуи марказидаги бобокалонимиз ҳайкали пойидан турфа гуллар аримайди. Бу маскан янги ҳаёт йўлига қадам қўяётган ёш келин-куёвлар, ҳамшаҳарларимизнинг энг қадрли гўшасига айланган. Юртимизга келган энг мўътабар меҳмонлар ҳам пойтахтимиз билан танишишни улуғ мутафаккир ёдгорлигини зиёрат этишдан бошлайди.

9 февраль куни бу ерда эрта тонгданоқ шоир ғазаллари билан айтилувчи мумтоз қўшиқ ва мусиқалар янгради. Ушбу маскан шу куни жамоатчилик вакиллари, олимлар, зиёлилар, талаба ёшлар, пойтахтимиз меҳмонлари билан янада гавжумлашди.

Беназир бобокалонимиз таваллудининг 561 йиллигига бағишланган тантанали маросимни Тошкент шаҳри ҳокими Р.Шоабдурахмонов очди.

Тадбирда сўзга чиққан Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон халқ шоири, Ёзувчилар уюшмаси раиси А.Орипов, навоийшунос олима С.Ғаниева, Ёзувчилар уюшмаси раисининг ўринбосари С.Саййид ва бошқалар Алишер Навоий номини элимиз асрлар оша қалб гавҳари янглиғ асраб-авайлаб келаётганини алоҳида таъкидлади. Айниқса, мустақиллик йилларида буюк бобомизнинг бой маънавий меросини ўрганишдек хайрли иш мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовнинг доимий эътиборида бўлиб, бу эзгу юмушга давлат миқёсида аҳамият берилаётгани таҳсинга лойиқдир. Хусусан, ушбу йўналишдаги изчил бунёдкорлик ишларининг давоми сифатида ўтган йил бобомиз номи билан юритилувчи шаҳарда Алишер Навоийнинг улкан ёдгорлик мажмуи очилгани бунинг ёрқин исботидир.

Тантанали маросимда шоир ҳайкали пойига гуллар қўйилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов, Бош вазир ўринбосари Ҳ.Кароматов иштирок этди.

* * *

**Шу куни байрам тадбирлари барча жойларда бўлгани каби пойтахтимиздаги «Шоирлар хиёбони», Мирзо Улуғбек туманидаги Алишер Навоий номидаги маҳаллада ҳам ўтказилди. Унда сўзга чиққанлар буюк давлатни барпо этишда ҳазрат Навоий улуғлаган инсонпарварлик, юртпарварлик ва тинчликсеварлик ғоялари халқимизга мадад бўлаётганини таъкидлади.**

**Назокат УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири.**

## Мамлакатимизда

**• Мамлакатимизга ташриф буюрган Германия федерал мудофаа вазири Рудолф Шарпинг бошчилигидаги делегация Ўзбекистон мудофаа вазири Қодир Ғуломов билан учрашди. Музокарада икки мамлакат ўртасида мудофаа соҳасидаги алоқаларни ривожлантириш, минтақавий хавфсизлик, Афғонистонда халқаро террорчиликка қарши ўтказилаётган операция билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.**

**• Инсон ҳуқуқлари бўйича республика Миллий марказида «Фуқаро, жамият, қонун» мавзуида давра суҳбати бўлиб ўтди. Унда мутасадди ташкилотларнинг вакиллари, олимлар, чет эллик мутахассислар иштирок этдилар. Тадбир доирасида Тошкент давлат юридик институти профессори З.Исломов, инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий марказ директори, профессор А.Саидов ва бошқаларнинг маърузалари тингланди. Давра суҳбати қатнашчилари кун тартибидаги масала юзасидан ўзаро фикр ва тажриба алмашдилар.**

**• Қизилтепа тумани марказий касалхонасининг туғруқхона мажмуида оналар ва болалар сиҳат-саломатлигини мустаҳкамлаш йўлида ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Кўкрак сути билан боқишнинг ўнта тамойилига тўла амал қилаётгани, чақалоқлар парваришига жиддий аҳамият бераётгани учун туғруқхонага Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг халқаро сертификати топширилди. Таъкидлаш жоизки, мазкур шифохона республикамиздаги қишлоқ касалхоналари орасида ана шундай юксак мукофотни қўлга киритган биринчи жамоадир.**

**• Қадимги лапар, айтишув, термаларни ким чанқовуз ва сибизға жўрлигида боплаб ижро эта олади? Қашқадарё вилоятида бўлиб ўтган фольклор-этнографик жамоаларининг кўрик-танлови ана шу масалага бағишланди. Танлов иштирокчилари бир неча йўналиш бўйича ўзаро беллашдилар. Қарши туманидаги «Ҳилола» фольклор-этнографик гуруҳи биринчи ўринни эгаллаб, республика кўрик-танловида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритди.**



**• Жиззах вилояти қишлоқ хўжалик ходимларидан 250 нафари Тошкентдаги «Бўстон», «Ботаника» ҳамда Самарқанд вилоятида жойлашган «Ибн Сино» сиҳатгоҳларига жўнаб кетишди. Улар 2001 йилда ўз соҳасида алоҳида ибрат кўрсатган сувчилар, механизаторлар, тадбиркор ва фермер хўжаликлари вакилларидир. Вилоят ҳокимлиги ва касаба уюшмалари вилоят кенгаши сўнгги пайтларда ишлаб чиқариш илғорларини рағбатлантиришнинг бу каби омилларига жиддий эътибор қаратмоқда.**

**Ўткир тиғ остида**

## Қиғир ишнинг қийиғи... қирқ кундаёқ аён бўлди-қолди

Кейинги йилларда Фарғона вилоятида газ етиб бормаган қишлоқлар тобора камайиб бормоқда. Ҳатто энг олис тоғ қишлоғи — Шоҳимардондаги хонадонларда ҳам «зангори олов» ёнмоқда.

Хўш, табиий газ юмушимизни осон, хонадонимизни файзли қилаётган экан, унинг ҳақини тўлаш қандай аҳволда? Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг топшириғига биноан, Фарғона вилоят солиққа оид жиноятларга қарши кураш бошқармаси газ ҳақи тўлови тушумининг аҳволини ўрганганда, шу йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, аҳолининг қарздорлиги 1 миллиард сўмдан ошганлиги аниқланди. Унинг салкам 10 фоизи Фарғона шаҳрининг Қиргули туманига тўғри келади. Вилоятнинг баъзи бир қишлоқларида қиш забтига олган кезларда «зангори олов» шашти пасайса пасаядики, аммо бу туманда газ босими бир маромда ушлаб турилади. Аммо газ ҳақидан қарздорлик 96 миллион сўмдан ортиб кетган. Нега? Аҳоли пулни тўламаяптими?

Тезкор ходимлар Совурбулоқ қишлоғидаги Машрабжон Абдуллаев хонадонида бўлиб, қарздорликни эслатганларида, у 14 минг 688 сўм тўланганлиги тўғрисидаги оддий почта хизмати маълумотномасига ёзилган тўлов қоғозини кўрсатди. Назоратчилар бу қоғоз сохта эканлигини, газ тўловлари вилоят «Фарғонагазтаъминот» шўъба корхонаси томонидан берилган, қатъий рақамлар билан белгилаб қўйилган тўлов қоғозларидагина акс этишини, ҳужжатлар махсус муҳр ва имзо билан ҳақиқий бўлишлигини айтишди. Чунки тақдим қилинган ҳужжат остида «Қиргулигаз» идорасининг чилангар-назоратчиси В.Б. Суховатинанинг чамбаракгул имзоси турарди.

Назоратчилар «Маориф» кўчасида истиқомат қилувчи Турсуной Узоқованинг хонадонида ҳам худди шундай машмашага дуч келишди. Бу оила аъзолари ҳам «Газ пулини тўлаб қўйганмиз» деб,

(Давоми 2-бетда).

## Чет элларда

***• «Euronews» телеканалининг хабарига кўра, Афғонистон Муваққат ҳукумати раҳбари Ҳамид Карзай «Толибон» ҳаракатига тегишли бўлган оддий аскар асирларни авф қилишни режалаштирмоқда. У яқинда 250 нафар асирга бағрикенглик кўрсатганди.***

***• Куни кеча Рио-де-Жанейрода бутун жаҳонга машҳур анъанавий карнавал бўлиб ўтди. Унда Бразилиянинг таниқли 14 та самба рақс мактаби ва 60 мингдан зиёд томошабин иштирок этди. АҚШнинг собиқ президенти катта Буш, рафиқаси Барбара Буш ва дунёга машҳур Голливуд юлдузлари байрамнинг меҳмонлари бўлишди.***

***• Индонезияда чоп этиладиган «Singapore's Stpalts Times» газетаси мухбирлари номаълум экстремистик гуруҳ томонидан Сингапур, Куала-Лумпур ва Жакартада жойлашган АҚШ элчихоналарида терроризм хуружи тайёрлаш тўғрисидаги ҳужжатларни қўлга киритишга муваффақ бўлишган. Унинг содир этилиши ўтган йилнинг охирида режалаштирилган экан.***

***• Филиппин ҳарбийлари Хоно оролида «Абу-Сайяф» экстремистик гуруҳи ўрнашиб олган жойни артиллериядан ўққа тутишди. Филиппин армияси бош штаби матбуот котиби майор Ноэль Детойято ана шундай хабар тарқатган. Жунглида қўним топган жангарилар орасида қурбон бўлганлар борйўқлиги ҳақида ҳозирча хабарлар йўқ.***

***• Баҳрайн амири шайх Ҳамад Аль Халифа 14 февраль куни ўз амирлигини қироллик деб эълон қилади. Бир йил аввал ўтказилган умумхалқ референдумида 94 фоиз аҳоли амирликни қиролликкга айлантиришни қўллаб-қувватлаган эди. Баҳрайнда бундан ташқари сайланадиган парламент жорий қилинади, янги конституция тайёрланади, аҳолига кенгроқ сиёсий ҳуқуқлар берилади.***

***• АҚШнинг 50 га яқин махсус хизмат аскарлари разведка маълумотлари йиғиш учун Афғонистон Шарқида жойлашган Завар ҳудудига келишди. Ушбу хабарни АҚШ Қуролли кучлари бош штаблари қўмитасининг раиси Ричард Майерс маълум қилган. Яқинда ана шу ҳудуддаги «Ал-Қоида» ташкилотига тегишли дея гумон қилинаётган бир гуруҳ жангарилар-га қарата ракета зарбаси берилган эди.***

***• Жанубий Камчаткада давом этаётган довул натижасида вилоят марказидаги барча мактаб ва аэропорт ўз фаолиятини тўхтатган. Энг сўнгги маълумотларга қараганда бўрон ва қор ёғиши ҳозир ҳам давом этмоқда.***

# АГРАР СОҲА РАҲБАРЛАРИ ЎҚУВИ ДАВОМ ЭТМОҚДА

(Давоми. Боши 1-бетда).

эркинлаштириш, ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамияти асосларини барпо этиш, ишлаб чиқариш унумдорлигини оширишга алоҳида эътибор берилди. Шунингдек, қишлоққа хорижий сармояларни кенгроқ жалб этиш, шартномавий муносабатларни такомиллаштириш, ер, сув ва бошқа табиий ресурслардан тежамкорлик билан фойдаланиш, илмий-техникавий хизмат кўрсатиш тизимини янада яхшилашга оид долзарб мавзулар ҳам маърузалардан кенг ўрин олди.

Машғулотларда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчилари, Бош вазир ўринбосарлари, шунингдек, суд, ҳуқуқ, солиқ, молия, банк, таълим ва бошқа муассасалар раҳбарлари иштирок этди. Улар тингловчиларга ўз соҳалари бўйича амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг устувор йўналишлари ва бу борадаги вазифалар ҳақида маъруза қилди.

Ўқув жараёнида аграр ислоҳотларни чуқурлаштиришга доир қонунларни ҳаётга татбиқ этиш борасида амалга оширилаётган муайян ишлар қайд этилиши билан бирга жойларда бу соҳада йўл қўйилаётган хато ва камчиликлар, муаммолар ечими юзасидан мунозаралар бўлиб ўтди. Туб иқтисодий ислоҳотлар очиб бераётган имкониятлардан самарали фойдаланиш юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Тингловчилар "Тошкентсут" корхонаси, Тошкент вилояти Қибрай туманидаги "Солиҳ" фермер хўжалиги ҳамда Тошкент қишлоқ хўжалик машиналари заводи жамоалари ҳузурида бўлиб, ишни янгича ташкил этиш, ишлаб чиқаришда замонавий техника ва технологиялардан фойдаланиш тажрибаси билан танишди.

Семинарнинг биринчи босқичи машғулотларининг якунига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.

Унда сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси И.Жўрабеков ўқув-тажриба машғулотларининг илк босқичи юксак савияда ўтгани, орттирилган билим ва тажриба тингловчиларга ижтимоий-иқтисодий муаммоларни омилкорлик билан бартараф этиш, ислоҳотлар изчиллигини таъминлаш ва қишлоқ хўжалиги, шунингдек, таълим-тарбия ишларини, айниқса, ёшларни истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялашни замон талаблари асосида ташкил этишда қўл келишини таъкидлади. Тингловчилар олган билимлари бўйича тест синовларидан ўтказилди, уларга сертификат топширилди.

Семинарда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Т.Алимов, Ўзбекистон Президенти Давлат маслаҳатчисининг ўринбосари У.Исмоилов, Бош вазир ўринбосарлари Р.Азимов, Т.Холтоев, В.Отаев иштирок этди.

* * *

11 февраль куни аграр соҳа раҳбарларининг иккинчи гуруҳи учун семинар-мунозара ва амалий тажриба машғулотлари бошланди. Унинг биринчи кунида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчилари И.Жўрабеков, Х.Султонов, Т.Рисқиев ва бошқаларнинг маърузаси тингланди.

Семинарда Ўзбекистон Президентининг Давлат маслаҳатчиси Т.Алимов, Бош вазир ўринбосари Т.Холтоев иштирок этди.

**Ўктам ДЎСТЁР,**
**ЎзА мухбири.**

*«Лола-Узор» фирмаси ва «Аньхой чой» корпорацияси ҳамкорлигида ташкил этилган Уйчи туманидаги «Ал-жаҳон» қўшма корхонаси йилига 3800 тонна чойни қадоқлаш қувватига эга. Ўтган йили бу жамоа аҳли 310 миллион сўмлик маҳсулотни харидорларга етказиб берди. Жорий йилда ана шу кўрсаткич янада кўпаяди.*

*Хитойдан махсус қопларда келтирилаётган кўк чой қўшма корхонада асосан 125, 250 ва 500 граммлик чойли, ихчам қоғоз қутичаларга қадоқланиб, савдога чиқарилмоқда. Бу эса истеъмолчиларга манзур бўлаётир.*

**СУРАТДА: фирма раҳбари, Олий Мажлис депутати Ҳабибулло Мирзааҳмедов ва ишчи Марғуба Жалолова тайёр маҳсулотни кўздан кечиришаяпти.**

**Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.**

***Ўзбекистон Республикаси Давлат Божхона қўмитасида 2001 йил давомидаги тезкор хизмат фаолияти натижалари ва галдаги вазифаларга бағишланган кенгайтирилган ҳайъат мажлиси бўлиб ўтди.***

# Божхоначиларнинг муҳим вазифалари

Ўзбекистон Республикаси Давлат Божхона қўмитаси раиси, генерал-майор Ўткир Комилов бошқарган мажлисда 2001 йил давомида мамлакат иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш, ички истеъмол бозорини ҳимоя қилиш, шунингдек, товар-моддий бойликлар, айниқса, озиқ-овқат, кундалик эҳтиёж моллари, ёқилғи-мойлаш маҳсулотлари, рангли металлни қонунга хилоф равишда божхона чегаралари орқали олиб ўтилишининг олдини олиш борасида қатор талбирлар амалга оширилганини таъкидлади. Бу борада аниқланган контрабанда, қонун бузилиши ҳолатлари бўйича қарийб 1 мингга яқин жиноят иши қўзғатилди, 14 минг 296 та маъмурий ишлар бўйича қарорлар қабул қилинди, қонунийликни таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш чоралари кўрилди.

Фош этилган қонунбузарликлар бўйича чегаралардан ноқонуний равишда олиб ўтилмоқчи бўлинган ҳамда божхона қоидалари бузилган ҳолатлар бўйича қарийб 13,6 миллиард сўмлик товар-моддий бойликлар далилий ашё сифатида олинди. Олиб борилган саъй-ҳаракатлар натижасида ўтган йили давлат бюджетига қарийб 127 миллиард сўм ўтказилди.

Президентимиз томонидан мамлакат тараққиётининг сиёсий, иқтисодий ва маънавий соҳаларини эркинлаштириш, тадбиркорликни ривожлантиришга қаратилган ҳамда мамлакатимиз иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш, чегаларда божхона назоратини кучайтириш ва божхона идораларига юклатилган вазифаларни тўлиқ бажариш борасида олиб борилаётган саъй-ҳаракатларни бўшаштирмаслик лозимлиги таъкидланди.

Мажлисда божхона органлари олдида турган энг асосий вазифалардан бири бу — кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш, уларни касбий, маърифий, жисмоний ва саф тайёргарлигини яхшилаш, ходимлар ўртасида хизмат интизомини мустаҳкамлаш, коррупцияга қарши кураш, қонунбузарлик содир этилишининг олини олиш эканлиги таъкидланди. Хусусан, бу йил соҳа ходимлари ўртасида ҳуқуқбузарлик ҳолати содир этилишининг олдини олиш зарурлиги қатъий уқтирилди. Мажлисда «2002 йил — коррупцияга қарши кураш йили» мазмунидаги Мурожаатнома қабул қилинди.

**ЎзР ДБҚ матбуот хизмати.**

# Қиғир ишнинг қийиғи...

(Давоми. Боши 1-бетда).

хотиржам юришган экан. Чунки чиландар-назоратчи Надежда Петрова 14 минг 547 сўм тўланганлиги тўғрисида оддий почта маълумотномасига имзо ва муҳр босиб берган экан.

Кейинроқ Бобур кўчасида яшовчи Ҳасанбой Мелибоев ҳам фирибгарлар ўйинининг қурбони бўлгани кузатилди.

Маълум бўлишича, «Киргулигаз» филиали идорасига бир гуруҳ олғирлар ин қуриб олиб, анча вақтдан бери улар аҳолидан тушган пулни шахсий манфаатлари йўлида ишлатиб юрган экан. Хусусан, ўтган йилнинг ўзида назоратчи-чилангар Вера Суховатина 556 минг 300 сўмни, Надежда Петрова эса 226 минг 400 сўмни ўзлаштириб юборганлиги маълум бўлди.

Фирибгарликда «Фарғонагазтаъминот» шўъба корхонасининг Қиргули филиали мижозлар бўлимининг катта устаси Маҳаммаджон Қурбонов уларнинг «устози» бўлиб чиқди. У вазифасига кўра, йиғилган пулларни тўплаб, банкка топшириши лозим. М.Қурбонов эса назоратчилар томонидан топширилган маблағни олгач, сохта ҳужжатлар ёзиб, уни компьютер маълумотлари орасига қўшиб қўяди-ю, лекин пулнинг бир қисмини банкка топширмайди. Оқибатда бир йил давомида у 446 минг сўм пулни «ҳазм» қилиб юборади.

Ушбу филиалнинг У.Раҳмонов, И.Низомиддинов, А.Тошмирзаев сингари назоратчилари ҳам шерикларидан қолишмасликка ҳаракат қилишган. Аҳолидан йиғиб олинган 1 миллион 231 минг сўм банк муассасаларига топширилмасдан, қаллобларнинг чўнтагида қолиб кетгани фикримизнинг далилидир.

«Ҳамкорбанк»нинг Фарғона бўлими кассири Б.Ҳасановнинг «устомон»лигига ҳам қойил қолмасдан иложингиз йўқ. У банкка топширилган 159 минг 800 сўмни ўмаришдан уялмаган.

Ачинарлиси шуки, Киргули филиалининг бошқа бўлимлари раҳбарлари ҳам талон-торожликка кенг йўл очиб бергани ошкор бўлди. Товар-моддий бойликлар сақланаётган омбор йўқламадан ўтказилганда, катта уста Ғанижон Хоназаров 1 миллион 291 минг сўмлик, омборчи М.Турсунов эса 368 минг сўмлик моддий бойликларни ўзлаштириб юборишганига қарамай, уларни мутасаддилар силлиққина ишдан бўшатиб юборишган. Улардан ишни қабул қилиб олган Т.Маъруфов эса 174 минг сўмлик турли хил товарларни «шахсий эҳтиёжи учун» ишлатгани аниқланди.

Табиийки, энди уларнинг ҳаммаси қилмишларига яраша жазо оладилар. Бироқ савол туғилади: ана шу қаллобларни ишга олиб, қиғирликлар билан шуғулланишларига йўл қўйиб берган раҳбарлар-чи? Бу савол ҳам очиқ қолмайди, деб ўйлаймиз.

**Набижон СОБИР,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# ЯКУН

***«Эгнингиздаги костюм-шимнинг матоси ҳаво ва газнинг аралашмасидан тайёрланган» десак, ишонасизми? Агар кимё илмидан, унинг яратувчилик кучидан бохабар бўлсангиз, албатта, ишонасиз, бўлмаса эътироз билдиришингиз аниқ. Аммо бир ҳақиқат аён: кимё илми, ана шу илм ютуқлари асосида иш олиб бораётган кимё саноати чиндан ҳам ақл бовар қилмайдиган мўъжизаларни яратишга қодирдир.***

***Бугунги кунда, масалан, «Ўзкимёсаноат» давлат-акциядорлик компанияси тизимидаги корхоналарда минерал ўғитлар, ўсимликларни ҳимоя қилиш воситалари, техник ва озиқ-овқат спиртлари, лак-бўёқ материаллари, резина-техник буюмлар, халқ истеъмоли моллари ва иқтисодиёт учун ғоят муҳим аҳамиятга эга бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда.***

# МЎЪЖИЗАКОР САНОАТДА МЎЪЖИЗА ҚАНИ?

## УЮШМА ЎРНИГА КОМПАНИЯ

### *ёхуд танг аҳвол юзага келтирган зарурат*

Хабарингиз бор, бундан бир йилча аввал ушбу компания «Ўзкимёсаноат» уюшмаси, деб аталарди. Тизимда эса иқтисодий аҳвол ачинарли даражада бўлиб, белгиланган кўрсаткичларнинг бажарилиши ўлда-жўлда эди. Уюшма раҳбарияти, шунингдек, тармоқ корхоналари мутасаддилари мамлакатимизда ислоҳотлаштириш юзасидан амалга оширилаётган умумий стратегияга қарамасдан, кимё саноатининг етакчи корхоналарини акциялаштириш, хусусийлаштиришдан олдин реклама қилиш ҳамда чет эл ва республикамиз инвесторларини жалб этиш бўйича зарур чора-тадбирларни рўёбга чиқариш борасида арзигудек амалий қадамлар қўя билмадилар. Шундай бир пайтда Вазирлар Маҳкамаси «Кимё саноатини бошқариш тузилмасини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» қарор қабул қилди.

Ушбу ҳужжатда, аввало, уюшмада юзага келган аҳвол **«мутлақо йўл қўйиб бўлмайдиган ҳол»**, деб баҳоланди. Шу боис кимё саноати корхоналари ва ташкилотларини бошқариш тизимини такомиллаштириш ҳамда улар фаолиятининг иқтисодий самарадорлигини ошириш, тармоқ корхоналарини акциялаштириш жараёнларини чуқурлаштириш, кимё ишлаб чиқаришини ривожлантириш, техника билан қайта жиҳозлаш ва замонавийлаштириш учун хорижий инвестицияларни кенг жалб этиш мақсадида уюшма тугатилиб, очиқ акциядорлик жамияти шаклидаги «Ўзкимёсаноат» давлат-акциядорлик компанияси («Ўзкимёсаноат» ДАК) ташкил этилди. Кимё саноати корхоналарини чуқур ислоҳ қилиш, ушбу мақсадлар учун чет эл ва мамлакатимиз инвесторларини жалб этиш, тармоқни ривожлантиришга, республиканинг минерал ўғитлар ва бошқа маҳсулотларга бўлган эҳтиёжини таъминлашга йўналтирилган дастурларни ишлаб чиқиб, уларни амалга ошириш, кимё саноатини замонавийлаштириш, таъмирлаш ва техника билан қайта жиҳозлаш, ресурсларни тежайдиган самарали технологияларни қўллаш, ишлаб чиқаришни ва бутловчи буюмлар тайёрлашни маҳаллийлаштириш, шу тариқа рақобатбардош маҳсулотларни кўпайтириш ва экспортга етказиб бериш унинг асосий вазифалари этиб белгиланди.

Хўш, соҳада ана шу тиғиз ва устувор вазифалар қай даражада адо этилмоқда?

## ЯНГИЛАНИШ АЛОМАТЛАРИ

«Ўзкимёсаноат» давлат-акциядорлик компаниясининг ўтган йилги фаолияти таҳлил қилинса, тизимда амалга оширилган янгиланиш жараёнлари ўз самарасини берганлиги кўзга ташланади.

Келинг, аввалambор, кимё саноатида янги ишлаб чиқариш қувватларини барпо этиш, мавжуд корхоналарни таъмирлаш ва замонавий техника билан жиҳозлаш масаласини олиб кўрайлик. Мазкур мақсадлар учун йўналтирилган жами маблағ солиштирма нархларда 25,93 миллиард сўмни ташкил этди. Унинг 1,93 миллиард сўми давлат бюджети, 8,63 миллиард сўми банкларнинг марказлашган кредитлари ва 2,26 миллиард сўми корхоналарнинг маблағлари ҳисобидан ажратилди.

Қурилиш, таъмирлаш ва техника билан қайта жиҳозлаш ишларига, шунингдек, 33,85 миллион АҚШ доллари (13,11 миллиард сўм) миқдорида чет эл сармоялари жалб этилди.

Ушбу маблағлар бир вақтнинг ўзида тизимдаги 16 бўлинмага қарашли 33 та объектда бунёдкорлик юмушларини олиб бориш имконини берди.

Йил мобайнида корхоналарни чуқур ислоҳ қилиш жараёнларига ҳам эътибор қаратилди. Жумладан, Андижон ва Қўқон спирт заводлари, «Аммофос» ва «Ўзбекрезинатехника» ишлаб чиқариш бирлашмалари очиқ турдаги акциядорлик жамиятларига айлантирилди. Аниқроқ қилиб айтганда, тармоқ таркибига кирувчи 35 корхонанинг 21 таси мулкчиликнинг нодавлат шаклига ўтди. Уларда жами 689922,8 минг сўмлик акциялар чиқарилиб, жойлаштирилди.

«Ўзкимёсаноат» давлат-акциядорлик компанияси ва Буюк Британиянинг «Максвелл стамп» маслаҳат компанияси ўртасида имзоланган корхоналарни хусусийлаштиришда кўмаклашиш ва ҳамкорлик қилиш бўйича битимга мувофиқ эса, ушбу компания вакиллари «Қўқонспирт», «Андижон биокимё заводи», «Аммофос» очиқ турдаги акциядорлик жамиятлари, «Электркимёсаноат», «Навоийазот» ишлаб чиқариш бирлашмаларида молиявий маслаҳатчи сифатида иш бошладилар. Улар юртдошларимизга диагностик текшириш, баҳолаш, шахсий хусусийлаштиришга тайёрлаш ва хорижий инвесторларни топишда ёрдам бермоқдалар.

Ана шу амалий чора-тадбирлар туфайли бултур тизимда ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми аввалги йилдагига нисбатан 105,3 фоиз ўсди. Жумладан, бизга компания томонидан берилган маълумотларга кўра, белгиланганидан 14012 тонна кўп аммофос, 19019 тонна аммонийлаштирилган суперфосфат, 522940 декалитр озуқа спирти, 3318 тонна полиэтилен плёнка, 478,5 тонна ацетат ипи, 693 тонна ацетат целлюлозаси, 81 тонна ўсимликларни ҳимоя қилиш воситалари тайёрланди. Бу натижаларга, айниқса, Фарғона кимёвий толалар заводи, «Кимёавтоматика» очиқ турдаги акциядорлик жамияти, «Дека» қўшма корхонаси, Фарғона кимёвий фуран бирикмалари заводи, «Навоийэлектркимё» заводи таркибидаги қўшма корхона жамоалари муносиб ҳисса қўшдилар. Бу корхоналарда ўсиш даражаси 149,1 фоиздан 280,2 фоизгача етди.

Тармоқда ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш ҳисобига янги маҳсулот турларини тайёрлаш ҳам ўзлаштирилгани диққатга сазовордир. Мисол учун, «Навоийазот» бирлашмасида фильтрли матолар, тиомочевина, метанол, формалин, аргон, техник ацетон, «Навоийэлектркимё» заводида хлороформ, этилацетат, натрий сульфид, суюқ шиша ишлаб чиқариш йўлга қўйилган бўлса, Фарғона кимёвий фуран бирикмалари заводида резина-битум, Самарқанд кимё заводи ва «Аммофос» бирлашмасида Қизилқум фосфоритидан экстракцион фосфор кислотаси ва аммофос олиш бошланди. Умуман, ўтган йили компания бўйича маҳаллий хомашёдан тайёрланган 2,2 миллиард сўмлик маҳсулот истеъмолчиларга етказиб берилди.

Айни чоғда корхоналарнинг экспорт салоҳияти ҳам кенгайиб бораётганини таъкидлаб ўтиш жоиз. Масалан, биргина «Навоийазот» ишлаб чиқариш бирлашмасида нитрон толаси, метанол, тиомочевина, уксус кислотаси каби маҳсулотлар ҳозир дунёнинг 20 дан ортиқ мамлакатларига экспорт қилинаяпти. Венгрия, Покистон, Ироқ, Туркия, Афғонистон, Ҳиндистон, Беларусь, Россия, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Туркманистон сингари давлатлар шулар сирасига киради. Бу ерда йилига 26 минг тонна каустик сода тайёрлаш қувватига эга корхонанинг фойдаланишга топширилгани натижасида эса 6,7 миллион АҚШ доллари миқдоридаги маблағни тежаб қолиш имконияти яратилди.

Шу билан бирга, тизим тасарруфидаги 20 та корхонада халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарилаётир. Ўтган йили 27,9 миллиард сўмлик шундай маҳсулот буюртмачиларга топширилди. Бошқача айтганда, 2000 йилдаги кўрсаткичга таққослаганда, 1522,5 миллион сўмликдан кўпроқ буюмлар тайёрланди. Улар бежирим ва қулай диванлар, стол-стуллар, креслолар, ошхона жиҳозлари бўлиб, кўпчилиги хорижлик талабчан харидорларга ҳам манзур бўлаётир.

## ВАЪДА БОШҚА, ИШ БОШҚА

Мақоламиз аввалини ўқиган газетхон беихтиёр «Тизимда ҳамма ишлар беш экан-да!» деган хаёлга бориши турган гап. Нима дедингиз? Афтидан, компания раҳбарлари ҳам шундай фикр сеҳри ила сархуш бўлиб, хотиржамлик тизгинига маҳкам ёпишиб олганга ўхшайдилар. Агар шундай бўлмаса, бизга тақдим этилган маълумотномада соҳадаги депсинишлар, бунга сабаб бўлган хато ва камчиликлар, мавжуд муаммолар лоақал бир неча жумлада қайд этилмаганини қандай тушуниш мумкин? Устига устак, бу ҳақдаги сўровимизга ҳатто улар жавоб беришни ҳам ўзларига эп кўрмаганлигини қандай изоҳласа бўлади? Лекин «Касални яширсанг, иситмаси ошкор қилади» деганларидек, аҳволга холисона қараганимизда компания ва унинг бир қатор корхоналарида ўтган йили кўплаб нуқсонларга йўл қўйилгани, ечимини кутаётган муаммолар ҳам қалашиб ётгани маълум бўлди. Биз нималарни назарда тутаяпмиз?

Аввало, мавжуд 35 та корхонанинг 16 тасида ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсишига эришилмади. Ўсиш ўрнига депсиниш бор жойда, табиийки, ютуқ ҳам, даромад ҳам бўлмайди. Даромадсиз эса таъмирлаш ва созлаш ишларини ўз вақтида, сифатли амалга ошириш, шу йўсинда корхона қувватларидан тўлиқ фойдаланиш, янги қувватларни яратиш мумкин эмас. Энг ёмони, агрегатлар бекор туриб қолади, ишчи-хизматчиларга ҳақ тўлашда узилишлар рўй беради, ҳатто уларни маълум муддатга мажбуран меҳнат таътилига чиқариб юборишга тўғри келади. Бундай ачинарли ҳолатни Фарғонадаги «Азот» ишлаб чиқариш бирлашмаси фаолияти мисолида яққол кузатиш мумкин.

Фарғона вилояти корхоналар банкротлиги ва санацияси бўйича ҳудудий комиссиясининг маълумотларига кўра, мазкур бирлашмада бир йил мобайнида аммиак ишлаб чиқарувчи агрегат 2465 соат, карбамид агрегати эса 2257 соат ишлатилмаган. Натижада 82 минг 634 тонна аммиак, 72 минг 201 тонна карбамид кам ишлаб чиқарилди.

Фақат шугина эмас. Минерал ўғитлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхонада, белгиланган қоидага мувофиқ, агрегатлар ҳар йили қайта таъмирланиши зарур. Аммо бу ерда тўрт йил давомида ана шу муҳим юмуш унутилган. Фақат 2001 йилнинг иккинчи ярмидан бошлаб, маҳсулот ишлаб чиқаришни тўхтатмаган ҳолда, таъмирлаш ишларига киришилган. Маҳсулот тайёрлаш ва таъмирлашнинг бир вақтда амалга оширилиши эса ўз навбатида яроқли агрегатларни зўр бериб ишлатишга олиб келган. Оқибатда қўшимча равишда 200 миллион сўм харажат қилиндию, лекин маҳсулот ҳажми ҳам ошмади, бузилган агрегатлар ҳам ишга туширилмади.

Энди мана бу мисолларга эътибор беринг: ўтган йили бирлашма бўйича маҳсулотни сотиш ва бошқа соҳалардан жами 11 миллиард 551 миллион сўм даромад қўлга киритилди. Сарф-харажат эса 14 миллиард 225 миллион сўмни ташкил этди! Кўриб турибсизки, жамоа фойда олиш ўрнига нақ 2 миллиард 674 миллион сўм зарар билан чиқди! Қолаверса, 2001 йил 1 декабрь ҳолатига кўра, корхонанинг 5 миллиард 650 миллион сўм дебиторлик, 13 миллиард 283 миллион сўм кредиторлик қарзи мавжуд. Эҳтимол, сиз «Раҳбарият бу қарзларни жорий йилги соф фойда ҳисобидан қоплашни мўлжаллаётгандир?» деб сўрарсиз. Шундай ҳам бўлсин, дейлик. Бироқ 2002 йилда бирлашмада 38 миллиард 174 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш ва бунинг эвазига 181 миллион сўм соф фойда олиш режалаштирилганини айтсак, ўйлаймизки, ҳар қандай тусмол ўз-ўзидан тусмоллигича қолаверади.

Мансабдор шахсларнинг таҳлилий ишлари бўйлаб, раҳбарларнинг идоравий корхоналар молиявий-иқтисодий аҳволи устидан назоратни сусайтириб юборганлиги туфайли, шунингдек, компанияда нафақат дебиторлик ва кредиторлик қарзлари, балки бюджетдан қарзлар миқдори ҳам ўсганлиги аён бўлди. Маълумки, бугунги кунда бюджет олдида қарздор корхоналарга нисбатан қарзни мол-мулкидан ундириш бўйича қонунчиликда кўзда тутилган мажбурий чоралар қўлланилмоқда. Наҳотки, бу компания мутасаддиларининг кўзини очмаётган бўлса?

Айниқса, бултур компанияда қишлоқ хўжалиги учун сув ва ҳаводай зарур бўлган минерал ўғитлар ишлаб чиқариш ҳажми камайиб кетгани билан асло муроса қилиб бўлмайди. Мисолларга мурожаат этайлик. 2000 йилда ишлаб чиқарилган жами минерал ўғитлар миқдорида азотли ўғитлар 53,9 фоизни ташкил этган бўлса, якунланган йилда у 51 фоизга тушиб қолди. Фосфорли ўғитлар улуши эса икки йил мобайнида мутаносиб равишда 21 ва 19,7 фоизга тенг бўлди. Бунинг сабаблари нимада?



2001 йилда мавжуд корхоналарда 600,33 минг тонна азотли, 148,42 минг тонна фосфорли ўғитлар ишлаб чиқариш кўзда тутилган эди. Амалда 486,42 минг тонна азотли ва 115,22 минг тонна фосфорли ўғитлар тайёрланди.

Ўтган йили кўплаб вилоятларда пахта ва бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш бўйича топшириқлар бажарилмаганини ҳисобга олсак, ана шу қолоқликда кимёгарларнинг ҳам айби борлигини шу мисолларнинг ўзиёқ исботламаяптими? Бунга бошқа асослар ҳам бор. Дейлик, Сирдарё вилояти деҳқонлари 42,7 минг тонна азотли, 11,5 минг тонна фосфорли ўғитлар билан таъминламоғи лозим эди. Якунда эса улар бор-йўғи 34,2 минг тонна азотли ва 6,9 минг тонна фосфорли ўғитларни олдилар. Ёки бўлмаса, бу борадаги режалар тегишли равишда 80 ва 60 фоизга бажарилди, холос.

Жиззах вилоятида ҳам шундай нохуш манзара кузатилди. Бу ерда бошқа туманларни қўя туринг, фақат Зомин тумани хўжаликларига азотли ўғитларнинг атиги 35 фоизи, фосфорли ўғитларнинг 14 фоизи етиб борганини қандай изоҳласа бўлади?

Тўғри, шу ўринда компания раҳбарлари ва мутахассислари «Биз ўғитлар таъминоти билан шуғулланмаймиз, бу юмуш «Ўзқишлоқхўжаликкимё» давлат-акциядорлик компанияси зиммасига юклатилган», деб ўзларини оқлашлари мумкин. «Қозонда бори чўмичга чиқади», дейишади. Агар «Ўзкимёсаноат» компанияси корхоналарида белгиланган миқдорда маъданли ўғитлар ишлаб чиқарилса, улар омборларда тўлиб-тошиб турса борми, таъминотчилар, биласизми, уни баҳайбат «КамАЗ»ларда эмас, ҳатто қопларда елкалаб олиб кетишлари кундай равшан-ку?!

Шу билан бирга, Вазирлар Маҳкамаси Агросаноат мажмуининг йил якунларига бағишланган йиғилишида таъкидланганидек, жойларда кимё заводлари раҳбарлари лимитларга риоя қилмасдан, тегишли ташкилотлар билан келишмасдан, минерал ўғитларни тўғридан-тўғри фермер хўжаликларига бериб юбориш ҳоллари учрамоқда. «Навоийазот» ишлаб чиқариш бирлашмасида шундай ҳолат аниқланди. Фермерларга ҳам ўғит керак, албатта. Лекин унинг тақсимотида амалдаги қонун-қоидаларга зид иш тутилмаслиги керак-да.

Таассуфки, Навоий вилоятидаги мухбиримиз Абдуваҳоб Пирматов бизга юборган маълумотларга қараганда, ушбу бирлашмада кўпинча шартнома шартлари ҳам бажарилмаяпти. Яқинда Навоий вилояти адлия бошқармаси Хоразм вилояти Хонқа туманидаги «Инқилоб» фермер хўжалиги манфаатини кўзлаб хўжалик судига даъво аризаси киритгани, унда «Навоийазот» ишлаб чиқариш бирлашмасидан 1 миллион 605 минг 131 сўмлик қарз, жарима ва моддий зарарни ундириб бериш сўралгани фикримизнинг тасдиғидир.

Гап шундаки, 2001 йил 8 февраль куни бирлашма ва фермер хўжалиги ўртасида маҳсулот айирбошлаш тўғрисида 44-сонли шартнома имзоланган эди. Фермер К. Султонов унинг шартларига риоя қилиб, зиммасидаги мажбуриятларни муддатидан олдин, 4 апреллдаёқ бажарди: 3 миллион 290 минг 40 сўмлик қишлоқ хўжалик маҳсулотлари корхона омборига эҳтиб берилди. Аммо иккинчи томон фақат май-июнь ойларида 2 миллион 729 минг 329 сўмлик аммиак селитрасини жўнатди, холос. Қолган 607 минг 710 сўмлик маҳсулот — 34615 килограмм селитрани эса, бечора фермер йил охиригача ҳам ололмади. У Хоразмдан Навоийга, Навоийдан Хоразмга бўзчининг мокисидек бориб-келаверди, бош суқмаган эшиклар қолмади,барибир, муддоси ушалмади. Ниҳоят, К.Султонов Навоий вилояти адлия бошқармасига ёзма равишда мурожаат қилди. Суднинг қарорига биноан эса, корхона маъмурияти фермер учун шартномада кўрсатилган маблағга қўшимча равишда 303362 сўм жарима, 302 348 сўм моддий зарар, жами 1 миллион 211 минг 420 сўм тўлашга мажбур бўлди.

***ХУЛОСА. «Ўзкимёсаноат» давлат-акциядорлик компанияси иқтисодиётимизнинг таянчларидан биридир. Унинг корхоналарида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларининг ҳаммаси ҳам зарур ва ўзига хос ўрнига эга. Давр эса уларнинг салмоғини камайтиришни эмас, балки янада кўпайтиришни, экспортбоп ва импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқаришни талаб қилмоқда. Шундай экан, тармоқда сўз ва иш бирлигига эришиш ўта муҳимдир. Яъни, ҳар бир раҳбару мутахассиснинг ваъдаси бошқа-ю, иши бошқа бўлмаслиги зарур. Ҳозирча бу масала компанияда муаммо бўлиб турибди. У ечимини топсагина, кимё саноати, юқорида айтилганидек, ҳақиқий мўъжизалар яратишга қодирлигини амалда исботлаган бўлади. Бугун эса мўъжизакор саноатда биз кутган, халқимиз кутаётган мўъжиза сезилмаяпти.***

**Икром ЎТБОСАРОВ,**
**Мухторали НОСИРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбирлари.**

Ширидир Ватаннинг аччиқ тутуни

Очерк

# УШАЛГАН АРМОН

Муҳаммад АЛИ,
Ўзбекистон халқ ёзувчиси.

I

*«...Ватанимизнинг мустақиллиққа эришгани ҳақидаги хабарни эшитган илк дамларим ҳеч қачон эсдан чиқмайди. Мен ўша пайтда Берлин шаҳрида эдим. Вужудимни қамраб олган туйғуларни сўз билан ифодалаб бўлмайди. Худди бугун тилга киргандай, атрофимдаги инсонларга ўз қувончим, ўз Ватаним борлигини айтиш учун тил пайдо бўлгандай эди гўё... Юртга қайтиш орзуси билан яшаган, Ватан тупроғига бош қўйишдек нияти армон бўлиб қолган ота-онам менга ўша пайтда: «Мана, сен ҳам энди эгасиз эмассан, ўз Ватанинг, ўз байроғинг бор, ўз рамзинг, ўз мадҳиянг бор. Ўз қонинг, ўз жонингда Юртбошинг бор. Энди дарбадар бўлиб юрмайсан» деяётгандай эдилар...»*

Биз ушбу сатрларни Насруллоҳ Тўранинг «Халқ сўзи» газетасида 2001 йил 16 октябрда босилган «Юрт соғинчи» мақоласидан келтирдик. Ватандошимиз ўз юрак сўзларини ёзар экан, ота-онамнинг армонига мен етдим, дейди. Эллик йилча турли мамлакатларда яшаб, ниҳоят, Ватанига қайтганидан ифтихор қилади.

Чиндан ҳам, озодлик шабадаси эсиб, манглайимизга офтоб текандан сўнг Ўзбекистон жаҳонга чиқа бошлади, дунё ҳамжамиятида ўзининг муносиб жойини топишга уринмоқда. Айни пайтда қувончли бир ҳодисани ҳам айтиб ўтиш жоиздир: ёруғ оламга бағрини ланг очган Ўзбекистонга энди жаҳон кириб келмоқда, ўзининг салобати билан, шукуҳи, сармоялари билан... Бу қутлуғ жараён суръати жуда баланддир, у шиддат билан давом этмоқда. Бу жараёнда қайнаб-тошаётган ватандошимиздан бири жаноб Насруллоҳ Тўра бўлади.

Насруллоҳ Тўра, ёки соддагина қилиб «Нусрат Бей», «Нусрат ака» деб эзозланадиган бу инсоннинг ҳаёти ҳақ йўлни қидириб, хоржда Ватандан йироқда саргардонлик уқубатларини тортган жуда кўп ватандошларимиз ҳаётини эсга солади. Ҳар доим Ватан соғинчининг дилдаги оғир залвори остида яшамоқ, юртдан-юртга кўчмоқ, Ватанга қайтаман, деган улуғ орзудан умидвор кун кечирмоқ... Бу тарихнинг қатлари кўп, дардлари бисёр...

II

Нусрат ака халқимизнинг маърифатли оилаларидан бирида таваллуд топди. Бу 1940 йилда Афғонистоннинг Қобул шаҳрида юз берди. Ватандошимизнинг отаси Саид Маҳмудхон Тўра Наманган вилоятининг Чуст туманидаги Тўрақўрғон қишлоғидан, онаси Муаззисхон Иноятуллоҳ қизи Андижондан, Худоёрхоннинг набираси бўлади. Саид Маҳмудхон Тўра, мунажжим, илм соҳиби, 1914 йилда чоризм истибдодидан азобланиб Ватанни тарк этади, Муаззисхоннинг ота-оналари эса шўролар зулми авж олаётган пайтда бегона юртларга кетишга мажбур бўладилар. Насруллоҳ Тўра олти ёшида Қобулдаги «Ҳабибия» ўқув юртига ўқишга киради. Дарвоқе, отаси Саид Маҳмудхон Тўра шу ерда мударрис эди...

Мусофирчилик мусофирчилигини қилар экан. Нотинчлик туфайли, Саид Маҳмудхон Тўра бошчилигида ватандошлардан тўқсон икки оила Туркия Республикасининг Адана шаҳрига кўчиб кетишга аҳд этади. Насруллоҳ ака Адана лицейини битириб, Анқара олий техника ўқув юртида таҳсил ола бошлади. 1959 йилда Саид Маҳмудхон тўра вафот этди, беш ука, бир сингил унга қараб қолди, кундузи ишлаб, кечқурунлари ўқишни давом этдиришга тўғри келди. 1963 йилда турк қизи Севим Юраклига уйланди, икки йилдан кейин қизи Насира туғилди, кейин ўғли Ҳоқон... Олмонияга кўчиб ўтгач, Гёте институтининг кечки бўлимида ўқиб, олмон тилини яхши билиб олди, 1972 йилда Берлин Техника университетида ўз ихтисоси бўйича докторантурани битирди ва «Ҳерберл Линдер Фуб» дастгоҳсозлик фирмасида бош муҳандис лавозимида ишлай бошлади. Кейинчалик еттита тилни пухта ўқиб-ўрганди... Буларнинг бари айтишга осон, уларнинг тагида тинимсиз изланиш, меҳнат, машаққат, сабр-тоқат яшриниб ётибди. Ҳаракатда баракат, дейдилар. Шундай бўлди, Насруллоҳ Тўра 1974 йилда ўзининг илк «Тўра экспорт-импорт» ширкатини ташкил қилди. Берлинда иш бошлаган бу ширкат тез фурсатда Туркияда, Польшада ўз бўлимларини очди, 1979 йилда Нью-Йоркда ҳам илдиз отди... Ширкат уч қитъада иш олиб бораётгани учун унга Олмониянинг махсус сертификати асосида «Тўра Интернейшнл» (байналмилал) номи берилди. Насруллоҳ Тўра тин билмади, Олмониянинг машҳур «Имотекс» тижорат марказига аъзо бўлиб кирди ва «Модесса» ширкатини очди. Шундан кейин кетма-кет юзга яқин ўрта ва кичик корхоналарни ишга туширишда фаол қатнашди... Шу аснода қизи Насира билан ўғли Ҳоқонни билимли ва маърифатли инсонлар қилиб вояга етказишни ҳам бир лаҳза унутмади. Кўнглининг бир четида эса ота-оналари учун армон бўлиб қолган буюк Ватани — Ўзбекистон муқим жой олган эди.

Вақтлар келиб бир кун ўз юртига қайтажагига катта умид боғлаган ва ҳеч қачон ноумидликка берилмаган Насруллоҳ Тўра Ўзбекистоннинг мустақилликка эришганидан хабар топди-ю, боши нақ осмонга етди. Ватан озод! Шунда у отасининг қачонлардир айтган доно сўзларини эслади, «Кишига, ўғлим, Оллоҳ таоло учта бойлик ато этади — пул-сарват, куч-соғлиқ, ақл-тафаккур, — деган эди ота. — Асл бойлик қайси бири? Пул келади, кетади. Куч келади, кетади. Ақл-тафаккур эса қолади, чинакам бойлик шу. Агар шу бойликни туққан еринг, Ватанинг равнақи учун ишлата олиш насиб этса, ўзингни бахтлиман, десанг бўлади...» Насруллоҳ Тўра она юртига қайтишга қатъий аҳд қилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг хориждаги ватандошларига чақирув-даъватига асосан 1995 йилда Ўзбекистонга қайтиб келди...

III

Янги озод мамлакатда даставвал тижоратни эмас, балки ишлаб чиқаришни ривожлантириш муҳимлиги тажрибадан маълум. Буни англаб етган Насруллоҳ Тўра 1996 йилда «Тўра Интернейшнл Ко.» фирмасини ташкил қилди, кейинроқ эса Ўзбекистон Карлар жамияти билан ҳамкорликда «Т-Т Интернейшнл Ко.» кўп тармоқли қўшма корхонани ишга туширди. 1998 йилда «Камолот» жамғармаси орқали 21 нафар ўғил-қизнинг турли ўқув курсларида билим олишларига ҳомийлик қилди, Андижон Давлат университетини оталиққа олди. Шу йили «Тўра Интернейшнл Ко.» фирмаси қошида губка ишлаб чиқарадиган завод ўз фаолиятини бошлади. Унга 240 минг АҚШ доллари атрофида сармоя қўйилди. «Ёсимин» супермаркети ўз эшикларини ланг очди...

Тадбиркорларга, хорижий инвесторларга яхши шарт-шароитлар яратилганидан мамнунлик изҳор қилар экан, Насруллоҳ Тўра бундай дейди:

**«Ислом Каримовдек оқил ва одил раҳбар олиб бораётган сиёсат ҳар қанча қўллаб-қувватлашга лойиқдир. Дунёда президентлар кўп, аммо ҳам сиёсатчи, ҳам иқтисодчи президентлар кам... Президент Ислом Каримов эса зўр иқтисодчи, айни пайтда моҳир ва етук сиёсатчидир. Унинг бутун ғайрат-шижоати ўзбекнинг қудратини намойиш этишга қаратилган. Бу халқимизнинг бахти, давлатимизнинг омадидир...»**

Бу теран сўзлар мағзини чақиб, ўйланиб қоламиз. Унга савол бераман: «Сармоянгизни Ўзбекистонга ишлатаяпсиз экан, бундан сизга нима фойда?» «Жавобимдан ҳайрон бўлманг, — жавоб қилади Насруллоҳ Тўра. — Мақсадим — олиб келган сармоямнинг фойдасини ташқарига олиб чиқиш эмас. Қанча бўлса, шу она юртимда қолдириш. Ахир ташқарида ота-оналаримиз бу тупроққа етишмоқ учун ҳамма нарсадан қиммат бўлган жонидан ҳам кечиб юрт ҳажрида ёнганлар-ку. Уларнинг Она Ватан ташналиги олдида бу сармоялар нима экан...»

*«Ватанга келаётганимда худди ҳажга келаётгандек, худди ибодат қилиш учун келаётгандек ҳис қилганман ўзимни...»* деб ёзади Насруллоҳ Тўра юқорида номи зикр этилган «Юрт соғинчи» мақоласида. Муборак ҳадисда айтилишича, ибодат ўн қисмдан иборат бўлиб, шундан тўққизтаси ҳалоллик талаби бўлса, қолган биттаси ибодат ҳисобланар экан. Чиндан ҳам, дейди Насруллоҳ Тўра, масжидда ўзимиз учун ибодат қиламиз. Жамият, халқ учун эзгу иш қилсак, бу миллат учун ибодат бўлади.

Насруллоҳ Тўра тадбиркорлик ишларини ривожлантириш асосида Ўзбекистон хорижий мамлакатлар билан дўстлик ва маданий-маърифий алоқалар жамиятлари Кенгашида маслаҳатчи бўлиб ишлай бошлади, айни пайтда Халқаро «Олтин мерос» хайрия жамғармасида ҳам фаолият кўргизиб келмоқда. Ватанига қайтгандан бери миллат учун ибодат қилмоқдан тингани йўқ, қўлидан келганча халқимиз мушкулини енгил этмоқ, кўмакка шошилмоқ пайида...

Унга миннатдорчилик мактублари ҳам етарли. Бир мактубда хайрия сифатида ташкилотга олтита компьютер тақдим қилганлиги учун мамнунлик изҳор этилади. Бошқаларида хайр-эҳсон сифатида моддий ёрдам кўрсатилганидан миннатдорчилик билдирилади. Мусиқа мактаб-интернати уч илғор ўқувчисини Италиянинг Неаполь шаҳрига халқаро мусиқа танловига юборишга кўмаклашганлиги учун миннатдор...

IV

«Саховатнинг энг буюк жасурликлари Ватанга муҳаббат туфайли юзага келади...» деган эди улуғ француз мутафаккири Жан Жак Руссо. Бу сўзлар маълум маънода жаноб Насруллоҳ Тўрага ҳам тегишлидай туюлади менга. У Ўзбекистон хорижий мамлакатлар билан дўстлик ва маданий-маърифий алоқалар жамиятлари Кенгашида фаолият кўргизар экан, бир неча тидбирлар ва миллий байрамларимизни ўтказишга бегараз ҳомийлик қилди. Ўзбек маданиятини, урф-одатини жаҳонда тарғиб этишда, хорижлик сармоядор ватандошларни юртимизга жалб қилишда унинг инсоний фазилатлари, хушмуомала, хушфеъллиги, айниқса жамоатчилик ишларини мукаммал билиши қўл келмоқда.

Ўзбек маънавиятини, маданиятини, халқ оғзаки ижодини яна ҳам ривожлантириш мақсадида Насруллоҳ Тўра республика Маданият ишлари вазирлиги билан биргаликда айрим ҳомийлик ишларини амалга оширди, концертлар уюштиришда, асарларни саҳналаштиришда фаоллик кўргизди. Хусусан, Миллий театр саҳнасида намойиш этилган «Чимилдиқ» ва «Машраб» пьесаларини айтиб ўтмоқ керак. Ушбу асарларнинг саҳна юзини кўришида кетган барча харажатлар, Насруллоҳ Тўра ҳисобидан қопланди. Ушбу бегараз ҳомийлик спектаклларнинг муваффақиятли чиқишини таъминлади. Шунингдек, театр актёрларидан бир гуруҳи унинг ҳомийлигида Мисрда ўтказилган театр фестивалига бориб, санъатимизни намойиш этиб қайтишди. Таниқли рассом Ортиқали Қозоқовнинг бир неча безакли плакатларини чиқартирди, уни Франциянга малака оширишга ҳам юборди. Булар ватандошимизнинг саховатидан нишоналар...

Ўша машҳур ҳикмат ёдингга тушаверади. Чиндан ҳам, ҳар биримиз Ватан менга нима берди, деб эмас, балки мен Ватанга нима бердим, қабилида фикр юритишимиз, ҳаракат қилишимиз керак! Ҳар куни, ҳар соат, ҳар лаҳза...

Насруллоҳ Тўра ўз фарзандлари ҳақида қувонч билан гапиради. Қизи Насира Тўра Германияда «Модесса» фирмасини бошқаради. Ўғли Ҳоқон Тўра Туркиядаги йирик ширкатлардан бирининг эгаси. Улар ота изидан боришмоқда, отанинг умр тажрибалари ҳамиша уларнинг кўз ўнгида, ҳамиша уларга намуна бўлиб хизмат қилади. Уларнинг кўнгилларида ҳам боболар юртига келиб она миллат учун бегараз тер тўкиш ниятлари йўқ эмас... Ота бундан мамнунлигини яширмайди.

— Ер юзида кўҳна, қадимий тарихга эга бўлган эркин, мустақил Ўзбекистон барпо бўлди, — дейди жаноб Насруллоҳ Тўра. — Истиқлолимизни қўллаб-қувватлаш, юртимизнинг гуллаб-яшнашига баҳоли қудрат ҳиссамни қўшиш энг эзгу ниятимдир, шу йўлда ҳаракат қилавераман, Худо хоҳласа! Бузруквор отам, меҳрибон онам армони энди ушалганини кўриб турибман. Оллоҳга шукур! Мен энди юртимда умримнинг охиригача яшаб, шу муқаддас Заминда абадул-абад қолгани келдим...

Насруллоҳ аканинг кўзларида табассум ўйнар эди.

Озод Ватанингиз муборак бўлсин!

## Таҳририятга хат

# Муаллимлар учун қулайлик

Андижон вилоятида халқ таълими муассасаларини техника воситалари билан жиҳозлашга катта эътибор берилмоқда.

Айни пайтда вилоят халқ таълими бошқармаси ва туман, шаҳар бўлимлари, шунингдек, педагогларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтида электрон почта ва модем ускуналари ўрнатилди. Улар интернет тармоғига уланган бўлиб, муаллимлар учун катта қулайликлар яратади.

Шуниси қувончлики, ҳозир умумтаълим мактаблари ўқувчилари ҳам мазкур қулайликдан баҳраманд бўлмоқдалар. Андижон шаҳри, Балиқчи, Хўжаобод, Қўрғонтепа, Жалолқудуқ, Бўз, Избоскан туманларидаги баъзи мактаб ва гимназиялар ҳам электрон почта ва модемга боғланди.

Ҳозиргача вилоят бўйича 17 та умумтаълим мактаби электрон почта ва модемга уланган бўлиб, келгусида яна 15 та мактабга шундай ускуналар ўрнатишга тайёргарлик кўрилмоқда.

Яратилган бу қулайлик вилоятда таълим-тарбия самарадорлигини оширишга хизмат қилиши тайин.

**О. СИДДИҚОВ,**
**Андижон шаҳри.**



"MALVIL"МЧЖ

*саноат электр жиҳозларини жаҳондаги машҳур корхоналардан бевосита етказиб беради.*

ДИЗЕЛЛИ ВА БЕНЗИН билан ишлайдиган, қуввати 300 кВАдан 800 кВАгача бўлган

ЭЛЕКТРОСТАНЦИЯЛАР

Исталган қувватдагиси.
Ишлаб чиқарувчилар: Германия (GEKO), Италия (Lifter), Япония (Honda), Россия.

UPS-

қуввати 300 кВАдан 800 кВАгача бўлган УЗЛУКСИЗ ОЗУҚА БЛОКЛАРИ

Ишлаб чиқарувчи: Франция (MGE).

КАФОЛАТ. ЭҲТИЁТ ҚИСМЛАР ЕТКАЗИБ БЕРИЛАДИ. ТЕХНИК ХИЗМАТ.

Тошкент ш., 700000, В.Малясов кўчаси, 3,113-115 хоналар.
Тел.:(998-71) 120-68-36, 110-20-36, (998-712) 41-31-24.
E-mail: malvil @ operamail.com.

# Болаларни кулфатдан асрайлик

Наманган вилоятининг Давлатобод туманида тренинг шаклида бўлиб ўтган ўқув машғулотлари туман прокуратураси ташаббуси билан ҳокимлик кўмагида ташкил этилди. Бу машғулотлар иштирокчилари ўсмирларни номақбул хатти-ҳаракатлардан қандай асраш, уларнинг бўш вақтини банд этишга оид масалаларни муҳокама этишди.

Ўқув машғулотлари Халқаро болалар жамғармаси (ЮНИСЕФ)нинг Ўзбекистондаги минтақавий ваколатхонасининг "Ювинал адлия: вояга етмаганларга нисбатан адолат" номли лойиҳасининг тренерлари томонидан олиб борилди. Беш кун давомида туманнинг вояга етмаганлар орасида ҳуқуқни бузишнинг олдини олишга масъул ҳуқуқ-тартибот идоралари, ўқув муассасалари, жамоатчилик ташкилотлари ходимлари болалар ва ўсмирлар орасида жиноятчилик, қаровсизликнинг олдини олиш бўйича янги иш шакллари билан танишди.

Машғулотлар ташкилотчиларининг фикрича, фаолиятнинг янги шакл ва услубларига ўқитишга янгича ёндашув вояга етмаганлар орасида ҳуқуқни бузишнинг олдини олиш, болалар жиноятчилиги ва қаровсизлиги даражасини пасайтириш ишларининг яхшиланишига ўз таъсирини ўтказади.

**Н.ХЎЖАЕВА,**
**ЎзА мухбири**

Ҳурматли хонимлар ва жаноблар !

«АСАКА» БАНКИ

2002 йил 1 февралидан бошлаб банк амалиётларининг асосий йўналишлари бўйича хизмат кўрсатиш тарифларини такроран

30%дан 50%гача

камайтирганлигини эълон қилади.

«Асака» банки сизни ўзаро манфаатли ҳамкорликка чорлайди !

Маълумот учун телефонлар:
120-83-83, 120-81-62, 120-82-98, 120-82-66.
Манзилимиз: 700015, Тошкент шаҳри, Нукус кўчаси, 67-уй.
Банк филиаллари — Нукус шаҳри ва барча вилоят марказларида жойлашган.

**Бугунги кунда банкнинг 30 та филиали бўлиб, 29900 тадан ортиқ мулкчиликнинг турли шаклидаги хўжалик юритувчи субъектларга, ташкилотлар ва жисмоний шахсларга самарали хизмат кўрсатмоқда. Ўтган йили Бухоро вилоятининг Галаосиё қўрғонида янги бўлим ишга туширилди. Сурхондарё, Қашқадарё вилоятларидаги филиаллар барча қулайликларга эга бўлган янги биноларда фаолият кўрсата бошлади, шунингдек, 15 та мини банк фойдаланишга топширилди.**

# «Галлабанк»: БОЗОРДА МУСТАҲКАМ ЎРИН ЭГАЛЛАМОҚДА

Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 15 январдаги «Банк тизимини ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ банкда 2001 йил учун кредит сиёсати ишлаб чиқилиб, у кенгаш томонидан тасдиқланган эди. Ушбу йўналишдаги асосий вазифалардан бири дон маҳсулотлари корхоналарининг қўшимча маблағларга бўлган эҳтиёжини янада тўлароқ қондириш, кичик ва ўрта бизнес субъектларини молиявий қўллаб-қувватлашдан иборат эди. Шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 6 июлдаги «Банк тизими фаолияти асосий кўрсаткичлари устидан мониторинг ўтказиш тўғрисида»ги қарори асосида муассасанинг молиявий аҳволи, баланси ва капиталининг ўсиши ва бошқа асосий кўрсаткичлар устидан доимий мониторинг амалга ошириб борилди. Табиийки, ўтган даврда ана шу тадбирлар ўз самарасини берди. Масалан, банк умумий капитали 2001 йил 1 январь ҳолатига кўра, 4,7 миллиард сўмни ташкил этган бўлса, ушбу кўрсаткич 2002 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, 7,1 миллиард сўмга етди ёки бизнес режанинг 0,7 миллиард сўмга ошириб бажарилишига эришилди.

Кредит бериш ҳажми ҳам сезиларли даражада ошди. Жумладан, 2738 мижозга 50,2 миллиард сўм кредит берилди ва кредит обороти 100,4 миллиард сўмни ташкил этди. Йирик инвестицион лойиҳаларни молиялаштиришда тижорат банклари билан ўзаро ҳамкорликда синдициялаштирилган кредитлар ажратишга алоҳида эътибор қаратилгани туфайли мазкур усулда мижозларнинг 200,0 миллион сўмлик йирик лойиҳаси молиялаштирилди. Ундан турли мулк шаклидаги корхона ва ташкилотлар, аввало, кичик ва ўрта бизнес эгалари, хусусий тадбиркорлар, фермер хўжаликлари ҳам баҳраманд бўлишди. Айни пайтда ушбу йўналишда 6730 та тадбиркорлик субъектига хизмат кўрсатилмоқда. Унинг 2490 таси юридик мақомга эга бўлган кичик ва ўрта бизнес субъектлари (12 та қўшма корхона), 2003 таси деҳқон ва фермер хўжаликлари, 2237 таси юридик мақомга эга бўлмаган хусусий тадбиркорлар ҳисобланади.

Айниқса, республика Президентининг 2000 йил 21 мартдаги банк соҳасини эркинлаштириш ва ислоҳ қилишни тезлаштиришга оид Фармони ва ҳукуматнинг 2000 йил 19 майдаги тегишли қарори тадбиркорлар билан муносабатларни янада мустаҳкамлашда муҳим бўлди. Банкда кичик ва ўрта бизнес субъектлари ҳамда тадбиркорликни имтиёзли кредитлаш мақсадида махсус жамғарма очилиб, унга соф фойданинг 25 фоизи ажратилиши белгилаб қўйилди. Бу жамғарма томонидан эса ўтган икки йил мобайнида 882,3 миллион сўм кредит ажратилди. Умуман, бултур тадбиркорларга берилган жами 3175,1 миллион сўм сўм кредит бевосита ишлаб чиқаришни ривожлантиришга йўналтирилди. Бюджетдан ташқари жамғармалар томонидан 226 та тадбиркорлик субъектига ажратилган 514,8 миллион сўм кредит натижасида эса 537 та янги иш ўрни барпо этилди.

Шу билан бирга, Вазирлар Маҳкамасининг «Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида аҳолини ижтимоий муҳофаза қилишга доир қўшимча чора-тадбирлар ҳамда сув тақчиллиги оқибатларини енгиллаштириш тўғрисида»ги қарори асосида ҳам муайян ишлар амалга оширилди. Хусусан, сув тақчиллигидан зарар кўрган туманлардаги қишлоқ хўжалик корхоналари, фермер ва деҳқон хўжаликларига ем-хашак харид қилиш, кичик ва ўрта бизнес субъектларининг янги ишчи ўринлари ташкил этиш билан боғлиқ бўлган лойиҳалари биринчи навбатда молиялаштирилди ва ушбу мақсадларга 50 миллион сўм ажратилди. Шу билан бирга ушбу минтақада истиқомат қилувчи мижозларга илгари берилган кредит маблағларининг қайтариш муддати узайтирилди. Шунингдек, жамоа кадрлар тайёрлашда ҳам ўз ҳиссасини қўшиб, олий ўқув юртларида тўлов-контракт асосида таҳсил олаётган 128 нафар талабага 19,6 миллион сўм таълим кредити ажратди.



Банк мамлакатимизда галла мустақиллигини таъминлашишда ҳам фаол иштирок этмоқда. Масалан, ўтган йили хўжаликлар, фермерлар томонидан «Ўздонмаҳсулот» давлат-акциядорлик корпорацияси ихтиёридаги корхоналарга топширилган галла учун жами 109,3 миллиард сўм тўланди. Унинг 11,2 миллиард сўми бошқа тижорат банкларидан жалб қилинган маблағлардир. Банкнинг ўз маблағлари ҳисобидан «Ўздонмаҳсулот» корпорацияси тизимидаги корхоналарга қарийб 9,5 миллиард сўмлик кредитлар ажратилди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 14 сентябрдаги «2002 йил ҳосили учун бошоқли дон экинларини кузги экишини уюшқоқлик билан ўтказиш масалалари, дон етиштириш ва давлат ресурсларига харид қилиш ҳажмлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ эса, шартномалар асосида жорий йилнинг 1 январигача жами 63,9 миллиард сўм аванс маблағлари босқичма-босқич хўжаликларга етказиб берилди.

Ҳисоб-китоблар механизмини такомиллаштириш ва бюджетга тўловлар интизомини мустаҳкамлаш борасида олиб борилаётган ишлар ҳам диққатга сазовор. Бу борада ажратилган мақсадли кредитлар ва кўрсатилган факторинг хизматлари 1,6 миллиард сўмни ташкил этди. Натижада 2,9 миллиард сўмлик иқтисодий самарага эришилди.

Бюджет ташкилотлари ходимларига иш ҳақи бериш, пенсия, нафақа ва бошқа турдаги тўловларнинг ўз вақтида амалга оширилиши устидан қатъий назорат ўрнатилган. Иш ҳақи бўйича қарздорлик ҳолатининг олдини олиш мақсадида мунтазам равишда хўжалик субъектларининг дебиторлик қарзларини ундириш, уларни тушаётган траншлар ҳисобидан қоплаш ва тайёр маҳсулот қолдиғини сотиш бўйича ҳам амалий ишлар олиб борилмоқда. Шу боис мижозлар ҳамда бюджет ташкилотларида ушбу тўловлар бўйича узилишларга йўл қўйилмади.

Аҳоли қўлидаги бўш пул маблағларини омонатга жалб қилиш хусусида тўхталсак, ўтган йили одамларга янада қулай ва манфаатли бўлган бир неча омонат турлари жорий этилди. Ҳозир омонатларнинг 19 тури мавжуд. Уларга 21538 нафар омонатчидан жалб қилинган маблағлар миқдори шу йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, 1121,6 миллион сўмни ташкил қилди ёки бир йилда 615,1 миллион сўмга ўсиш кузатилди.

Банк қимматли қоғозлар бозорида ҳам қатнашиб, қимматли қоғозлар портфелини 317 миллион сўмга етказди ёки у 66,3 фоизга ортди.

Қолаверса, аҳолининг бўш пул маблағларини қўшимча жалб қилиш мақсадида дастлабки 50 миллион сўмлик омонат сертификатлари муомалага чиқарилганди. Улар қисқа муддат ичида тўлиқ жойлаштирилиб, тегишли фоизлар юзасидан тўловлар амалга ошириб келинмоқда. Айни пайтда 100 миллион сўмлик омонат сертификатларининг иккинчи эмиссиясини муомалага чиқариш бўйича иш олиб борилаяпти.

Албатта, ҳар бир соҳада эришилаётган ютуқлар кадрларга боғлиқ. Жамоамиз бу борада ҳам муайян ишларни олиб бормоқда. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурига биноан, 2001-2005 йилларга мўлжаллаб тузилган дастурда барча филиалларда ходимларни ўқитиш, қайта ўқитиш ва ёш мутахассисларнинг малакасини ошириш кўзда тутилганди. Ўтган йили 4 ходим ривожланган давлатларда тажриба орттириб келди. Айни пайтда икки киши Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси қошидаги Олий бизнес мактабида ва 2 ходим Банк-молия академиясида таҳсил олмоқда.

Универсал банк мақомини олган муассасамиз жорий йилда ҳам мамлакатимизда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш, банк хизматини янада яхшилаш йўлида астойдил интилмоқда.

**Банкнинг матбуот хизмати.**

Қадриятларимиз

# Танбурийнинг қисмати

***Истиқлол очган имкониятларнинг чегараси йўқ. Шаҳрисабз шаҳрининг фарзанди, миллий мусиқа ва театр соҳасига катта ҳисса қўшган санъаткор — Абдулла Қодирий — Танбурий ҳаёти ва ижодини ўрганиш ҳам мустақиллик шарофатидандир. У таниқли бастакор, чолғусоз уста, Қашқадарё вилоятида биринчи театр ташкилотчиси эди.***



Танбурий 1898 йилда Шаҳрисабз шаҳридаги Ҳазрати имом маҳалласида, Мирзо Абдулқодир қоровулбеги оиласида дунёга келган. Ўз даврининг зиёли кишиларидан бўлган Мирзо Абдулқодирбек фарзандларига илм бериш, уларнинг тафаккурини янада кенгайтиришга, домулло ёллаб, саводини чиқаришга эътибор қаратди. Ўзи мусиқа созларини тинглаш ва чалишга шинаванда бўлгани боис уйига кўплаб чолғучиларни таклиф этарди. Машҳур ҳаттотлар ҳам бу хонадоннинг иззатли меҳмонлари бўлардилар. Ҳатто моддий таъминотга эга бўлмаган машшоқлар учун алоҳида меҳмонхона ҳам ташкил этиб қўяди. Болаликдан маънавиятли кишилар суҳбатидан баҳраманд бўлиб ўсган ёш Абдулланинг кўнглида илм ва ижодга ҳавас уйғонди. Аввал Шаҳрисабз ва Қаршидаги мадрасаларда, сўнгра 1914 йилдан бошлаб Бухородаги Мир-Араб мадрасасида таҳсил олди. Хаттотлик сирларини пухта ўрганди.

— Кунларнинг бирида, — дея хотирлайди Танбурий, — амирликдан кишилар келиб саводхонлигимиз билан қизиқди, саволлар беришди. Устозларимнинг таълими, дуолари қўллаб, мени мирзоликка танладилар.

Танбурий Амир Олимхон девонига мирзоликка қабул қилинди. Тез орада «Заррин-қалам» деган ном билан довруғ қозонди. Айни пайтда машҳур созандалар билан мунтазам алоқада бўлди. Имкон топиб ижодкорлар, мусиқа асбоблари ясайдиган моҳир усталар билан танишди, чолғу асбоблари ясаш сирларини ўрганди. Амирликдаги яшаган ҳужрасида тинимсиз соз чаларди. Танбурчилик маҳорати уни улуғ маърифатпарвар Абдурауф Фитрат билан учраштирди. Унга «Танбурий» тахаллусини ҳам Фитрат домла берган.

1920 йилда Бухорода сиёсий вазият кескинлашади. Танбурий ҳам вақтинча Шаҳрисабз ва Қаршида яшайди. Амирнинг мирзоси сифатида уни таъқиб этардилар. У устозларининг маслаҳати билан 1923 йилда бир неча ўзбек ёшлари қаторида Москвадаги Шарқ маданий-оқартув институтига ўқишга кетади. Сора Эшонтўраева, Маннон Уйғур, Аброр Ҳидоятовлар билан дўстлашади. У ўқишни тугатиб, Қаршига қайттач, тўғарак ташкил этиш мақсадида чолғу асбоблари ясай бошлайди. Чолғу асбоблари 10 тага етган куни унга бадиий тўғарак ташкил этиш учун рухсат этилади. 1928 йилда вилоятлардан иқтидорли болалар таклиф этилиб, аввал тўғарак, сўнгра клуб тарзида бадиий жамоа шакллантирилади. Ўзбек санъатига ҳисса қўшган Баҳром Камолов, Маматқул Жалилов, Саъдулло Ашуров, Мўмин Азизов, Маҳмуд Раҳмоновлар ўша йилларда фаолият бошлаган тўғарак иштирокчиларидир.

1932 йили эса тўғарак замирида ҳозирги Мулла Тўйчи Тошмуҳаммедов номли вилоят театрининг ўтмишдоши — Қарши шаҳар театри ташкил этилди. Танбурий директорликка тайинланди. Халқ орасидан иқтидорларни излаб топиш, тарбиялаш, янги-янги саҳна асарлари яратиш, уларга саҳна кийимлари тиктириш ишларига шўнғиб кетди.

Қарши шаҳар театрида атиги 2 тагина маҳаллий хотин-қиз фаолият юритиб, драма тўғараги фаоллашган, жойларда концертлар уюштириб юрган кезларда Танбурийнинг иш жойига бир амалдорнинг вакили ташриф буюрди. Танбурий илтифот кўрсатиб, вакилни тинглади. Вакил амалдорнинг нозик киши эканини, театрдаги хотин-қизлар у кишининг хизматларида бўлиб туришларини билдирди. Домлага бу таклиф гўё ҳақоратдек туюлди, тутоқиб кетди:

— Маҳаллий қизларимизни не азоблар билан театрга жалб этганмен! Амалдоринг зиёли инсон бўлса, уларнинг сафини кўпайтиришга кўмак берсун. Хулласи калом, айтилган сўз — отилган ўқ. Фикрлар расмийлаштирилди. Танбурий маърифат душмани дея эътироф этилди. Казо-казолар қарор тагига имзо чекдилар. Қарор нусхалари юқори идораларга жўнатилди. Санъаткор булардан бехабар мусиқа созларини кўпайтириш учун туни билан ёғоч йўнарди. Қорачироқнинг ёғи тугаётганидан пилиги тутаб, ёғдуси хиралашиб борарди. Бехосдан дарвоза тақиллади. Ташқарида Танбурийнинг масаласи кўрилган йиғилишда иштирок этган Искандар Анваров турарди.

— Домла, зудлик билан жўнаб кетмасангиз, булмайди! Домлажон, шошилинг. — Сизнинг номингиз «рўйхатга» тушди. Буйруқни олсалар пайсалга солиб ўтирмайдилар, — деди-ю, олди-ортига қарамай жўнаб кетди.

Танбурий домла дарвозага омонаттина суянди. Қулоғига Қаршига кириб келаётган юк поездининг тарақа-туруғи эшитилди. Йигирма дақиқага тўхтайди, улгуриши лозим. У поездга илашиб, Бухоро , Самарқандга борди. Энг яқин кишилари ҳам уйларига киритишмади. Алам ва минг бир азоб билан Қирғизистоннинг Ўзган шаҳрига ўтиб кетди. У ерда Бухоро мадрасасида бирга ўқиган дўстиникида истиқомат қилди. Яйловда йилқи боқди, қўшиқларини йиғлаб тоғларга, тошларга айтди:

***Бу дунё ишларин***
***тушунмоқ маҳол,***
***Сиртмоқ тушса***
***туғишган ҳам бегонадур.***

Амирнинг мирзоси, беknинг ўғли бўлгани боис юрт маърифати, санъатига ҳисса қўшишдан умид узди. Не машаққатлар билан ясаган мусиқа асбоблари, ташкил этган тўғарак ва театрини унутолмасди. Юртга қайтиш йўлларини изларди... Қирғизистонлик оддий чўпоннинг «ўғли» сифатида Самарқанд зоотехниклар тайёрлаш курсида ўқиди.

Касбилик чорвадор Субҳон Рўзиев шундай эслайди:

— Уруш ва ундан кейинги йилларда Қодирий домла қўйчилик соҳасида ишлади. Қамаши, Жейнов, Помуқ, Хўжаҳайрон, Касби қишлоқларида чўпон-чўлиқларга маслаҳатлар берар, яйловларда қолиб кетса, хуржунидан бурама танбурини олиб (танбур учга бўлинади, бураб чўзиларди) маромига келтириб чаларди. Биз у кишининг таниқли санъаткор бўлганини билардик, аммо ҳеч кимга бу ҳақда гапирмасдик, сир тутардик. Танбурий умрининг сўнгги йилларида Қаршига қайтиб, кечки мактабда мусиқадан дарс берди...

Танбурий домланинг фарзанди, 73 ёшли усто Иноят Қодирий ота касбини давом эттириб, мусиқа асбоблари ясаш соҳасида мактаб яратган устоздир. У ясаган миллий чолғу асбоблари олам юзини кўраяпти... Улар билан бирга Абдулла Қодирий — Танбурий номи ҳам қайта туғилмоқда.

**Шарофат АШУРОВА,**
**Халқаро «Олтин мерос» хайрия жамғармаси Қашқадарё вилоят бўлими бошлиғи.**

Йиллар ва тақдирлар

# Буюк боболар вориси

... Ёшлигидан етим қолган Икромжон Тошкент шаҳар болалар уйида тарбияланди. 1937 йилда эса Тошкент индустриал рабфакига ўқишга кирди. Аммо рабфакни тугатмади — жаҳонни титратган Темур бобосини тушида кўрдими, ҳе йўқ, бе йўқ, 3-курсда рабфакни ташлаб, Тошкент ҳарбий билим юртига ўтиб кетди. Айни уруш бошланган пайт — 1941 йил июль ойида билим юртини тугаллаб, лейтенант унвонида машҳур Панфилов дивизияси жангчилари сафига қўшилди. Абдулла Ориповнинг «Генетика» шеърида ёзилганидек, Темур Малик, Жалолиддин Мангуберди каби саркарда боболаридан ўтган генлар иш бердими, ишқилиб, бирпасда взвод командирлигидан рота командирлигига кўтарилди...

Икром Жалиловнинг ҳаёт йўлига назар ташлар эканмиз, бу саботли инсон нафақат саркарда боболаримиздан, айни вақтда олим боболаримиздан ҳам анчагина генларни «мерос» қилиб олганлигини кўрамиз. Тошкент юридик институтини аъло баҳолар билан битирган Икром Жалиловнинг асосий фаолияти республикамиз фалсафа илмининг дарғаси ҳисобланмиш Ўзбекистон Фанлар академиясининг Фалсафа ва ҳуқуқ институти билан боғлиқдир. У шу масканда 40 йилдан зиёд илмий-педагогик фаолият олиб борган, фан номзодлиги ва докторлик диссертацияларини ёқлаган, мамлакатимизда аграр ҳуқуқ илмий мактабига асос солган.

Мана бу маълумот рақаму далилларни хуш кўрадиган ўқувчиларимиз учун: олим 70 дан ортиқ илмий мақола ва 3 та йирик монография ёзган, илму урфонимизга 2 нафар фан доктори ва 14 нафар фан номзодини тарбиялаб, етиштириб берган!

Гап рақамда эмас, сифатда деб ҳисобловчи газетхонларимизга эса шуни айта оламизки, олимнинг барча илмий ишлари, хусусан Марказий Осиёда ерга оид ҳуқуқий муносаботларнинг тарихига ва ерга нисбатан мулкчилик ҳуқуқининг ўзига хос хусусиятларига бағишланган номзодлик ва докторлик диссертациялари илмий жамоатчилик томонидан юқори баҳоланган...

Биз ҳуқуқ илми соҳасидаги салоҳияти халқаро миқёсда ҳам тан олинган улкан олим, уруш ва меҳнат фахрийси, юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби Икром Жалиловга асрлик умр, хонадонига файзу-шукуҳ тилаб қоламиз.

**Мухторали НОСИРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Умид юлдузлари — катта саҳнада

Ўзбекистон — истеъдодлар диёри. Айниқса, ёш истеъдод соҳибларини қўллаб-қувватлаш, уларни рағбатлантириш, иқтидорли ёшларни кашф этиш ҳамиша давлатимиз эътиборида. Пойтахтимиздаги "Ўзкўргазмасавдо" саройида санъат оламига эндигина кириб келаётган ана шундай истеъдодларнинг "Умид юлдузлари" фестивали бўлиб ўтди. Унда "Шоҳрух", "Табассум", "Элекс", "Ҳумо қуши" каби болалар бадиий жамоалари ўз мусиқий дастурларини намойиш этди.

Мусиқа байрами Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Маданият ишлари вазирлиги, "Ўзбекнаво" эстрада концерт бирлашмаси, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ташаббуси билан ташкил этилди. Фестивалнинг очилиш маросимида сўзга чиққан бастакорлар уюшмасининг раиси Рустам Абдуллаев, Ўзбекистон халқ шоири Жуманиёз Жабборов, Ўзбекистон халқ артисти Фарруҳ Зокиров ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов томонидан мамлакатимизда ёшларга кўрсатиб келинаётган катта ғамхўрлик, яратилаётган янги имкониятлар, барча соҳалар сингари мусиқа санъатимизнинг ҳар томонлама равнақ топиши учун катта омил бўлаётганини таъкидлашди.

Фестиваль очилишида Тошкент шаҳар ҳокими Р.Шоабдураҳмонов иштирок этди.

**Назокат УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири.**

## САВОЛ БИЗДАН...

**Дунёга машҳур олимлар Людвик Фейербах, Архимед ва В. М. Бехтеров қайси шаҳарларда туғилишган.**

**136-35-60**

**Ўтган сонда берилган саволнинг жавоби:**

... ўнгда кўрсанг — янч! Бу ҳақда жиззахлик Дилдора Каримова, тошкентлик Толибжон Аҳмедов хабар беришди.

**ҲИКМАТ**

*Чин дўстликка ҳасад бегонадир.*

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ёшлар ишлари қўмитаси қўмита аъзоси Нуриддин Қамбаровга падари бузруквори **Муҳаммаджон ҚАМБАРОВнинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«Ўзпаррандасаноат» акционерлик уюшмаси раҳбарияти ва меҳнат жамоаси «Паррандадори» масъулияти чекланган жамият раҳбари Қобулжон Ҳасановга укаси **Қосимжон ҲАСАНОВнинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент автомобиль-йўллар институти жамоаси «Алоқа хизмати» бўлими раҳбари Мирзамурод Ризаевга волидаи муҳтарамаси **Маҳмудахон ая РИЗАЕВАнинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.


«ХАЛҚ СЎЗИ» «НАРОДНОЕ СЛОВО»

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир: Аббосхон УСМОНОВ

Таҳрир ҳайъати: Э. Болиев (масъул котиб — «Халқ сўзи»), М. Егоров (масъул котиб — «Народное слово»), Ш. Жабборов (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»), Ш. Ризаев, С. Зинин, М. Миралимов, С. Муҳиддинов, М. Сафаров, Р. Фарҳодий, И.Худоёров, И. Шоғуломов, О. Қаипбергенов (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»), Ў. Ҳошимов.

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 136-29-89;*
*Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.*

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 00001
Буюртма Г — 83. 34610 нусхада босилди, ҳажми — 2 босма тобоқ. Офсет усулида босилган.
Қоғоз бичими А—2
Газета IBM компьютерида терилди ва операторлар Жамшид ТОҒАЕВ ва Зокир БОЛТАЕВ томонидан саҳифаланди.
Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.
[t] -Тижорат материали

● МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — Г. Йўлдошева.
Навбатчи — Ҳ. Каримов.
Мусаҳҳиҳ — О. Абдуазимов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. Босишга топшириш вақти—21.00 топширилди: 20.40 1 2 3 4 5 6